



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 27 » aprel

№ 243

Toshkent sh.

Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги ташкилотларда бюджетдан ташқари жамғариладиган маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш, биринчи синф ўқувчилари ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар, шунингдек, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни замонавий ягона мактаб формаси тўпламлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

жамғарма маблағларнинг харажатлари ижросини назорат қилиш.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилдан бошлаб мактаблардаги барча 1-11-синф ўқувчиларининг 15 фоизидан кўп бўлмаган кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни замонавий ягона мактаб формаси тўпламлари билан бепул таъминланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими таълим вазирлиги бир ой муддатда:

биринчи синф ўқувчилари ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун бериладиган ўқув қуроллари тўплами билан текин таъминлаш тартибини;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда кам таъминланган оилаларга мансуб 1-11-синф ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси тўпламлари билан текин таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” апрелдаги 243-сон қарорига
1-илова

**Халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом халқ таълими муассаса ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари (кейинги ўринларда – жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Ушбу Низом халқ таълими тизимидаги барча давлат таълим муассаса ва ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

халқ таълими муассаса ва ташкилотларининг кўчмас мол-мулкни ижарага беришдан тушган маблағлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Давлат мулкни ижара бериш маркази давлат унитар корхоналарига тўланган бир фоизи ва электрон савдо майдончаси операторига тўловдан ташқари);

ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича қўшимча таълим беришдан олинган даромадлар;

халқ таълими муассаса ва ташкилотлари фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларни тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан олинган даромадлар;

муассаса ва ташкилотларнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларининг лавозим маошига белгиланган қўшимча ҳақни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг молия йили якунига қадар ишлатилмай қолган бюджет маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

4. Жамғарма маблағлари тасдиқланган даромадлар ва харажатлар режасида назарда тутилган мақсадлар учун молиялаштирилади.

Бунда халқ таълими муассасаси ва ташкилоти раҳбарини моддий рағбатлантириш ва халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармасига йўналтириладиган маблағлар ҳисобга олиниши лозим.

Жамғармага йўналтирилган муассаса ва ташкилотларнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига белгиланган қўшимча ҳақни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг молия йили якунига қадар ишлатилмай қолган бюджет маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бино ва иншоотларни, илмий лабораторияларни техник шартлар асосида жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш, халқаро илмий ахборот базалари ва кутубхона ресурсларига уланиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

ходимларни етакчи миллий ва жаҳонда энг юқори мингталик рейтингга кирувчи ёки йўналишлар бўйича жаҳонда энг юқори юзталик рейтингга кирувчи хорижий илмий-таълим муассасаларига қайта тайёрлов, малака ошириш ва амалиётга юбориш орқали кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, ходимларнинг хорижий илмий анжуманларда маъруза билан иштирок этиши ва қатнашиши, халқаро тан олинган маълумотлар базасидаги етакчи илмий журналларда илмий-тадқиқот ишлари натижаларини нашр қилиш.

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар фақат халқ таълими муассасаси раҳбарининг асосли ёзма мурожаати асосида умумтаълим муассасасининг Кузатув кенгаши розилиги билан амалга киритилади.

Мазкур банднинг олтинчи хатбошисида белгиланган муассасалардан бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотлари жамғармаларининг даромадлар ва харажатлар режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уларнинг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Халқ таълими муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари жамғарма маблағларини эркин йўналтириш ҳуқуқига эга.

5. Жамғармага ойлик, чораклик ёки йиллик тушган маблағлар бўйича (мақсадли ҳомийлик хайрияларидан ташқари) жами суммадан ўн фоизгача бўлган миқдори мазкур муассаса ва ташкилот раҳбарини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Бунда муассаса ва ташкилот раҳбарини моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағни ҳисоблашда илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига белгиланган қўшимча ҳақни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг молия йили якунига қадар ишлатилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобга олинмайди.

6. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан жамғармага кўрсатилган ҳомийлик хайриялари, агар ҳомий билан аниқ мақсадлар учун йўналтирилиши келишилмаган бўлса, муассаса ва ташкилот раҳбари ва бухгалтери томонидан харажатлар режасига ўзгартириш тайёрланиб, умумтаълим муассасаси учун Кузатув кенгаши розилиги билан, бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотлари учун раҳбар томонидан халқ таълими муассасаси ва ташкилоти харажатларига сарфланади.

4-боб. Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш ва ҳисоб-китобини юритиш

7. Жамғарма маблағларининг ҳисоби марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати (муассаса ва ташкилот бухгалтери) ёки муассаса ва ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритувчи бухгалтери томонидан юритилади. Бунда муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритувчи бухгалтер штатини сақлаш бўйича барча харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қопланади.

8. Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар режаси муассаса раҳбари ва бухгалтери томонидан тайёрланиб, умумтаълим муассасасининг Кузатув кенгашига келишиш учун киритилади.

Умумтаълим муассасаси Кузатув кенгашининг розилиги олингандан сўнг даромадлар ва харажатлар режаси муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида белгиланган муассасалардан бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотларида жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар режаси уларнинг раҳбари ва бухгалтери томонидан тайёрланади ва тасдиқланади.

9. Жамғарма тушумлари (мақсадли ҳомийлик хайрияларидан ташқари) қуйидаги тартибда йўналтирилади:

республика даражасидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг беш фоизи Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармасига;

худудий халқ таълими бошқармаларининг тўғридан-тўғри бўйсинувидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг беш фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг жамғармаларига;

туман (шаҳар) даражасидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг икки фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари жамғармаларига, уч фоизи туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармаларига.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тушумлари уларнинг ихтиёрида қолдирилади.

5-боб. Жамғарма маблағларнинг харажатлари ижросини назорат қилиш

10. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Жамғарма маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш юзасидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширади.

11. Жамғарма маблағларидан фақат таълим муассасаси раҳбари томонидан берилган ёзма мурожаатга асосан, барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг туман (шаҳар) халқ таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ёки муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритувчи бухгалтер томонидан фойдаланилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муассасалардан бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотлари раҳбари топшириғига асосан уларнинг бухгалтери ёки бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритувчи бухгалтер томонидан фойдаланилади.

Бунда шартномаларни имзолаш, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) турларини танлаш, маҳсулотларни (ишлар, хизматларни) сифатли қабул қилиб олиш таълим муассаса ва ташкилоти раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Амалга оширилган ишлар учун таълим муассасаси ва ташкилоти раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари:

тегишлилиги бўйича халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг жамғармаларига маблағларнинг тушумлари (пуллик хизматлар, ижара, ҳомийлик хайриялари, грантлар ва бошқалар) тўғрисидаги батафсил маълумотларни олишга;

халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар томонидан маблағлар ғайриқонуний сарфланганда, шунингдек, молиявий ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат бошқармасини ёки ушбу вазирлик раҳбариятини хабардор қилган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар харажатларини молиялаштиришни (тўлашни) чеклаш ва зарур ҳолларда тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Жиноят аломатлари бўлган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари текшириш материалларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириши лозим.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Жамғарма маблағларини тасарруф этиш ёки бошқа мақсадларга йўналтириш (ишлатиш) билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги аралаштириш тақиқланади.

14. Халқ таълими муассаса ва ташкилотларининг раҳбарлари ва бухгалтерлари Жамғарма маблағлари тўғри шакллантирилганлиги, улардан самарали, оқилона ва тўғри фойдаланиш, мазкур маблағларнинг ҳисоб-китобининг тўғри юритилиши бўйича шахсан жавоб берадилар.

Халқ таълими тизимидаги муассаса
ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари
жамғармалари маблағларини шакллантириш
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
низомга илова

**“Халқ таълими муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари
маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъект	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Муассаса ва ташкилот	<p>Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:</p> <p>халқ таълими муассаса ва ташкилотларнинг кўчмас мол-мулкани ижарага беришдан тушган маблағлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Давлат мулкани ижара бериш маркази давлат унитар корхоналарига тўланган 1 фоизи ва электрон савдо майдончаси операторига тўловдан ташқари);</p> <p>ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича қўшимча таълим беришдан олинган даромадлар;</p> <p>халқ таълими муассаса ва ташкилотлари фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;</p> <p>юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;</p> <p>вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;</p> <p>халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;</p> <p>муассаса ва ташкилотларнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига белгиланган қўшимча ҳақни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг молия йили якунига қадар ишлатилмай қолган бюджет маблағлари;</p> <p>қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.</p>	Йил давомида

2-босқич	Муассаса ва ташкилот	<p>Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар режаси муассаса раҳбари ва бухгалтери томонидан тайёрланиб, умумтаълим муассасасининг Кузатув кенгаши муассасаларнинг раҳбарига келишиш учун киритилади.</p> <p>Жамғарма маблағлари фақат тасдиқланган даромадлар ва харажатлар режасида назарда тутилган мақсадлар учун молиялаштирилади.</p>	Календарь йили бошида			
3-босқич	Муассаса ва ташкилот	<p>Умумтаълим муассасасининг Кузатув кенгаши даромадлар ва харажатлар режасини кўриб чиқиб, розилигини беради.</p> <p>Бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотларида раҳбар томонидан кўриб чиқилиб, розилик берилади.</p>	2 кун давомида			
4-босқич	Муассаса ва ташкилот	<p>1. Кузатув кенгаши розилиги олингандан сўнг даромадлар ва харажатлар режаси халқ таълими муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.</p> <p>Бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотларида жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харжатлар режаси уларнинг раҳбари ва бухгалтери томонидан тайёрланади ва тасдиқланади.</p> <p>2. Жамғарма тушумлари (мақсадли ҳомийлик ва хайрия маблағларидан ташқари) куйидаги тартибда йўналтирилади:</p> <p>республика даражасидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг 5 фоизи Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармасига;</p> <p>худудий халқ таълими бошқармаларининг тўғридан-тўғри бўйсинувидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг жамғармаларига;</p> <p>туман (шаҳар) даражасидаги муассаса ва ташкилотлар тушумларининг 2 фоизи худудий халқ таълими бошқармалари жамғармаларига, 3 фоизи туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармаларига;</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тушумлари уларнинг ихтиёрида қолдирилади.</p> <p>3. Жамғарма маблағларининг ҳисобини юритиш марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати (муассаса ва ташкилот бухгалтери) ёки муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритувчи бухгалтер томонидан юритилади.</p>	1. 1 кун давомида	2. Маблағ тушумига кўра	3. Режага мувофиқ	4. Йил давомида

		<p>4. Муассаса раҳбари томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматига ёзма мурожаат берилади, зарур ҳужжатлар тақдим этилади ва ушбу режада белгиланган харажатларга маблағлар сарфланади.</p> <p>Бошқа халқ таълими муассаса ва ташкилотларида тасдиқланган режага мувофиқ уларнинг раҳбари томонидан сарфланади.</p>	
5-босқич	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати	<p>Жамғарма маблағларидан фақат муассаса раҳбари томонидан берилган ёзма мурожаатга асосан барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг туман (шаҳар) халқ таълими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати томонидан фойдаланилади.</p>	<p>Режага мувофиқ йил давомида</p>

Изоҳ. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати таркибига кирмаган муассаса ва ташкилотлар (алоҳида бюджет маблағлари ҳисобидан бухгалтер лавозими киритилган) даромадлар ва харажатлар режалари ижросини мустақил равишда амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” апрелдаги 243-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Махсус таълим-тарбия муассасаларидаги алоҳида меҳнат шaroитлари учун қўшимча ҳақ белгиланган педагог ходимлар лавозимлари рўйхатига, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг I-бандига қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбошиси қўшилсин:

“е) инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактабларининг махсус педагогларига уларнинг базавий тариф ставкасига ҳар ойда 50 фоиз устама ҳақ тўланади.”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқитувчилар ва ўқувчилар моддий шaroитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарорининг:

а) 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Халқ таълими вазирлиги 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидагиларни ҳар йили:

биринчи синф ўқувчилари ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун бериладиган ўқув куроллари тўплами;

мактаблардаги барча 1-11-синфлар ўқувчиларининг 15 фоизидан кўп бўлмаган кам таъминланган oilаларга мансуб ўқувчиларни замонавий ягона мактаб формаси тўпламлари билан бепул таъминлаш жорий қилинсин”;

б) 1- ва 2-иловалар чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибида:

а) 15-бандда:

учинчи хатбошидаги “муассасаларидан” сўзи “муассаса ва ташкилотларидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “муассасаларининг” сўзи “муассаса ва ташкилотларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 29-банднинг еттинчи хатбошисидаги “муассасаларига” сўзи “муассаса ва ташкилотларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда):

а) 4-бандда

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“а) синфдаги ўқувчилар сонига кўра синф раҳбарлиги учун:

15 нафар ўқувчигача — 26,4 фоиз;

16 нафардан 20 нафар ўқувчигача — 31,6 фоиз;

21 нафардан 25 нафар ўқувчигача — 36,9 фоиз;

26 нафардан 30 нафар ўқувчигача — 42,1 фоиз;

31 нафар ва ундан кўп ўқувчи бўлганда — 52,8 фоиз;”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бунда ўқитувчилар ёзги йиллик меҳнат таътилидан қайтгандан кейин уларга янги ўқув йили бошлангунга қадар дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик ҳамда информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмайди”;

б) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1. Умумтаълим муассасаларининг бошланғич ва юқори синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири, ўқитувчи-дефектолог, инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактабларининг махсус педагоги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошидаги методика кабинетлари, давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари ҳамда ўқувчиларни касбга	2 881 828	2 607 826	2 340 317	2 090 399	1 954 033

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
Йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ходимлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳлари ходимлари					
1.1. Ёшлар етакчиси, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи	2 090 399				
2. Республика муассаса ва ташкилотлари методистлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари методистлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошидаги методика кабинетлари, давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари ҳамда ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари методистлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари методистлари	2 881 828				

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
3. Мактабдан ташқари муассасанинг ўқитувчи-тренери, олий спорт маҳорати мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпиа захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг инструктор-методистлари, спорт психологи	2 117 518	1 978 039	1 851 265	1 725 279	1 603 710
4. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	2 197 828	2 056 958	1 916 981	1 781 907	1 652 203
5. Болалар мусиқа ва санъат мактаби концертмейстери	1 916 981	1 781 907	1 652 203	1 527 724	1 410 683
6. Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист)	2 881 828	2 607 826	2 340 317	2 090 399	1 465 523
6.1. Умумий ўрта типдаги муассасалар психологлари, “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчалари психологлари	2 282 408	2 151 458	2 014 709	1 881 360	1 758 629
6.2. Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг психологи (6.1.-бандда кўрсатилган ташқари) ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти	1 277 984	1 187 933	1 101 470	1 018 482	940 454
7. Халқ таълими барча муассасаларидаги методист (3-бандда кўрсатилгандан ташқари), педагог-ташкилотчи, тўғарақлар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, катта вожатий, аккомпониатор, мусиқа раҳбари, экскурсовод,	1 124 607	1 034 572	948 124	865 627	787 178

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
маданият ишлари бўйича ташкилотчи					
8. “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тўғарак раҳбарлари, инструктор-методистлар ва методистлар, “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчалари тўғарак ва мусиқа раҳбарлари, меҳнат ва тренер йўриқчиси	1 939 949	1 784 640	1 635 515	1 493 207	1 357 882
9. Кутубхона мудирлари	х	х	х	1 251 639	1 147 152
10. Кутубхоначи	х	х	х	1 047 107	994 752

Мактабдан ташқари муассасалар бўлим, секция, лаборатория, кабинет мудирининг иш ҳақи миқдори (контингентдан қатъи назар) иккинчи малака тоифали тўғарак раҳбарининг иш ҳақига тенг миқдорда белгиланади.”;

в) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1. Раҳбар ходимлар:				
1.1. Умумтаълим муассасаси директори	3 467 983	3 278 418	3 091 716	2 895 520
1.2. «Меҳрибонлик» уйи директори	3 091 716	2 895 520	х	х
1.3. Мактабдан ташқари муассаса директори	1 277 984	1 187 933	1 101 470	х
1.4. “Баркамол авлод” болалар мактаби директори	1 980 876	1 841 297	1 707 277	х
1.5. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Меҳрибонлик» уйлари республика соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари	2 782 545	2 605 968	2 605 968	х
1.6. Олий спорт маҳорати мактаби, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпиада захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори	2 260 662	х	х	х

1.7. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори	2 117 518	1 978 039	1 851 265	x
1.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори	2 637 392	2 468 349	x	x
2. Раҳбарларнинг ўринбосарлари:				
2.1. Умумтаълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, ихтисослаштирилган фанлар бўйича ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, спорт ишлари бўйича ўринбосари	3 278 418	3 091 716	2 895 520	2 704 330
2.2. Умумтаълим муассасаларининг Ватанпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринбосари-Ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари	2 090 399			
2.3. «Меҳрибонлик» уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	2 895 520	2 704 330	x	x
2.4. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўринбосарлари (2.9.-банддан ташқари)	1 187 933	1 101 470	1 018 482	x
2.5. “Баркамол авлод” болалар мактаби директорининг ўринбосарлари (2.9.-банддан ташқари)	1 841 297	1 707 277	1 578 649	x
2.6. Олий спорт маҳорати мактаби, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари	2 117 518	X	x	x
2.7. Болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари, филиал директорлари	1 978 039	1 851 265	1 725 279	x
2.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	2 468 349	2 300 378	x	x
2.9. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1 473 637	1 360 575	1 251 639	1 147 152

г) 3-иловининг 10-бандида:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“а) синфдаги ўқувчилар сонига кўра синф раҳбарлиги учун:

15 нафар ўқувчигача — 26,4 фоиз;

16 нафардан 20 нафар ўқувчигача — 31,6 фоиз;

21 нафардан 25 нафар ўқувчигача — 36,9 фоиз;

26 нафардан 30 нафар ўқувчигача — 42,1 фоиз;

31 нафар ва ундан кўп ўқувчи бўлганда — 52,8 фоиз;”;

куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бунда ўқитувчилар ёзги йиллик меҳнат таътилидан қайтгандан кейин уларга янги ўқув йили бошлангунга қадар дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик ҳамда информатика кабинети мудирлиги учун қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмайди”.

д) 3-иловага куйидаги мазмундаги 20-банд қўшилсин:

“Ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати асосида ўқитувчиларга бир ярим ставка миқдоригача белгиланган дарс соатларининг бир ставкадан ортиқ бўлган қисми бўш иш ўринлари сифатида қайд этилмайди.”

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда;):

а) қарор муқаддимасидаги “шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмасида:

“А. Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти” сўзлари “Халқ таълими вазирлигининг А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари” сўзлари “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Истеъдод” жамғармаси” сўзлари “Эл-юрт умиди” жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари” сўзлари “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низомда:

18-банднинг биринчи хатбошисидаги “5-7 ёшдагилар” сўзлари “6-7 ёшдагилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги “бошлангунгача” сўзидан кейин “ҳамда ўқув йили давомида” сўзлари қўшилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“34. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида синфларнинг сони, энг аввало, таълим жараёни учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига боғлиқ бўлади ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасаси турига, ундаги ўқувчилар контингенти ва синфларнинг тўлдирилишига кўра белгиланади:

Таълим йўналиши турлари ва синфлардаги болалар тоифалари	Синфларнинг ўқувчилар билан тўлдирилиши	
	Ўқувчиларнинг минимал сони	Ўқувчиларнинг максимал сони
1. I – II турлар:		
Кар (эшитмайдиган) болалар учун	8	10
Заиф эшитувчилар ва кейинчалик кар бўлган (1, 2-бўлимлар) болалар учун	10	12
2. III – IV турлар:		
Кўр (кўзи ожиз) болалар учун	8	10
Заиф кўрувчилар ва кейинчалик кўр бўлган болалар учун	10	12
3. V тур:		
Нутқида оғир нуқсони бўлган болалар учун	10	12
4. VI тур:		
Полиомиелит хасталиги оқибатлари бўлган болалар учун	10	12
Церебрал фалажи оқибатлари бўлган болалар учун	10	12
5. VII тур:		
Психик ривожланиши суст болалар учун	12	16
6. VIII тур:		
Енгил даражадаги ақли заиф болалар учун	12	14
Ўрта ва оғир даражадаги ақли заиф болалар учун	8	10
* Барча турдаги ихтисослаштирилган муассасаларда таълим олаётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсон бўлган) болалар учун	6	8

--	--	--

45-46-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“45. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий умумий ўрта таълим 11 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 9 йиллик) муддатда амалга оширилади.

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар соғлиғи ва интеллектининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда 11 йиллик умумий таълим дастурини қуйидаги даврлар давомида ўзлаштиради:

Таълим йўналишлари турлари ва болалар тоифалари	Тайёрлов гуруҳлари	Бошланғич синфлар	Юқори синфлар	Жами (йил)
I-II турлар:				
Кар болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1 — 4	5 — 11	11
Заиф эшитувчи ва кейинчалик кар бўлган 1-бўлим болаларининг умумий ўрта таълими	1	1 — 4	5 — 11	11
Заиф эшитувчи 2-бўлим болаларининг умумий ўрта таълими	1	1 — 4	5 — 11	11
III-IV турлар:				
Кўзи ожиз болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1 — 4	5 — 11	11
Заиф кўрувчи болаларнинг умумий ўрта таълими	1	1 — 4	5 — 11	11
V тур:				
Нутқида оғир нуқсони бўлган болаларнинг умумий ўрта таълими	—	1 — 4	5 — 11	11
VI тур:				
Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган болаларнинг умумий ўрта таълими	—	1 — 4	5 — 11	11
VII тур:				
Психик ривожланиши суст болаларнинг бошланғич таълими (тенглаш синфлари)	—	1 — 4	—	4
VIII тур				
Ақли заиф болалар учун тўлиқсиз умумий ўрта маълумот	—	1 — 4	5 — 9	9
* Барча турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсони бўлган) болалар тоифаси учун				

Мураккаб нуқсонлари бўлган болаларнинг (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсони бўлган) тўлиқсиз умумий ўрта таълими	—	1 — 4	5 — 9	9
--	---	-------	-------	---

46. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида таълим жараёни коррекцион педагогика ва дефектология соҳаси (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия) бўйича олий маълумотли, шунингдек, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг фаолият соҳаси бўйича қайта тайёрлашдан ўтган педагог ходимлар томонидан амалга оширилади.”;

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“При этом, учреждениям и организациям системы народного образования, финансируемым из Государственного бюджета, разрешается использование и приобретение легковых автомобилей и других видов автотранспортных средств свыше утвержденного предельного количества служебных легковых автомобилей, при условии их содержания (содержание водителя, обеспечение горюче-смазочными материалами, техническое обслуживание и прочее), за счет внебюджетных средств.”.

б) 1-иловининг 11-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

11.	Министерство народного образования	436	770	242	113	415		
	Центральный аппарат	5	9	7	2	-		
	Областные звенья	28	28	14	14	-		
	Районные звенья	209	562	206	28	358		
	Подведомственные организации	194	128	15	69	57	49	25

»

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банддаги “институтлар” сўзлари тегишли келишиқдаги “марказлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбошисидаги “А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти” сўзлари “Халқ таълими вазирлигининг А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

7-10 ва 27-бандлардаги “Марказий институт” сўзлари тегишли келишиқдаги “Институт” сўзи билан алмаштирилсин;

16, 23 ва 27-бандлардаги “худудий институт ректори” сўзлари “худудий марказ директори” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги “худудий институтлар томонидан Марказий институтга” сўзлари “худудий марказлар томонидан Институтга” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомда:

15-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб ва мактаб-интернатлар) (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар) (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда (ўқиш муддати 9 йил: I – IX синфлар);”.

30-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда):

а) қарор муқаддимасидаги “ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига” сўзлари “қонунига” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 2-банди тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг 2-банди тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 5-илованинг 1-бандидаги “, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари” сўзлари “қонуни” сўзига алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 515-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 698-модда) 12 бандининг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Педагог ходимларга малака тоифаларини бериш бўйича навбатдаги аттестациядан ўтказганлик учун йиғим ундирилмайди, навбатдан ташқари аттестациядан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида;”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг рус тилидаги матни 2-иловасида (Хизматчиларнинг асосий лавозимлари таснифи):

153¹-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ 153 ¹ .	Воспитатель в специализированных образовательных учреждениях для детей с ограниченными возможностями	2349	С	В/О	5110900	”;
----------------------	--	------	---	-----	---------	----

156-позициянинг “Наименование должностей служащих” устунисидаги “детского дома” сўзлари “домов Меҳрибонлик” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида низомда:

а) 9-банднинг учинчи хатбошисидаги “А. Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти” сўзлари “А. Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг “8)” кичик бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“умумтаълим муассасалари директорларини лавозимга тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишиш учун номзодларни тавсия қилади ва белгиланган тартибда уларни эгаллаган лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар киритади;”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“умумтаълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарини лавозимга туман (шаҳар) маънавият-маърифат маркази тавсиясига асосан тайинлайди;”

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишлигича бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

“Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимлаш.”

в) 18-банднинг еттинчи хатбошисидаги “умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашларига” сўзлари “тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 26-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“умумтаълим муассасасининг бўш турган бинолари ва ер майдонларини ишончли бошқарувчига ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш;”;

йигирма тўртинчи – ўттиз биринчи хатбошилар тегишлича йигирма бешинчи – ўттиз иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ўттиз биринчи хатбошидаги “кузатув кенгашларига” сўзлари “тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 майдаги 392-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 09/19/392/3121-сон;) билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифасини бериш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус портали орқали амалга оширилади”.

б) қуйидаги мазмундаги 7¹-банд қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4306-сон қарорида рўйхати белгиланган халқаро фан олимпиадаларида ғолиблик (олтин, кумуш, бронза медали)ни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига – олий, академик лицей ва касб-хунар мактабларининг ўқитувчиларига – бош ўқитувчи малака тоифаси берилади;

республика фан олимпиадаларида ва кўрик-танловларнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчиларнинг малака тоифаси бир поғонага оширилади;”

в) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Узрли сабабларга кўра (меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътили ва бошқалар) аттестациядан ўтмаган педагог кадрлар иш фаолиятига қайтганларига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади ва мазкур давр мобайнида уларнинг малака тоифаси сақлаб қолинади (ўз ташаббусига кўра аттестациядан ўтмоқчи бўлган педагог кадрлар бундан мустасно).”

г) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Малака тоифасини бериш ва сақлаб қолиш бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш йил давомида амалга оширилади.”

д) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Педагог ходимларнинг олий маълумот ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломида (кейинги ўринларда – диплом) кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислик ёки ихтисосликларга мос келадиган фанлар бўйича аттестациядан ўтади.”

е) 62-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Педагог ходимларга малака тоифаларини бериш бўйича навбатдаги аттестациядан ўтказганлик учун йиғим ундирилмайди, навбатдан ташқари аттестациядан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.”

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Tashkent International University of Education” халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 23 июндаги 404-сон қарорининг 3-бандига қуйидаги мазмундаги “в” ва “г” кичик бандлар қўшилсин:

“в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги потенциал инвестор танлангандан сўнг:

бир ой муддатда ушбу банднинг “б” кичик бандида белгиланган шартлар асосида инвестор билан объектни “ноль” харид қийматида сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилишини;

ўн кун муддатда объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилгандан кейин беш иш куни мобайнида потенциал инвесторга “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” белгиси билан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига илтимоснома юборилишини;

потенциал инвестор томонидан қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини;

инвестициявий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган деб эътироф этилган пайтдан ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда белгиланган тартибда объектни “тасарруф этиш ҳуқуқи” белгиси киритилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига илтимоснома юборилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Халқ таълими вазирлигининг илтимосномаси асосида объектни потенциал инвесторга сотиш бўйича вазирлик ва потенциал инвестор ўртасида тузилган шартнома ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилгандан кейин беш иш куни мобайнида потенциал инвесторга “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” белгиси билан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини, шунингдек, ушбу шартнома бўйича потенциал инвестор томонидан инвестициявий мажбуриятлар қабул қилинганлиги тўғрисида баённома ва потенциал инвестор томонидан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерининг асли тақдим қилинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда “тасарруф этиш ҳуқуқи билан” белгиси киритилишини таъминласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори, истисно тариқасида, мазкур қарорнинг бажарилиши доирасида татбиқ этилмаслиги белгилансин.”

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” апрелдаги 243-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 7 июндаги 110-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 23-сон, 208-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда) 1-илованинг 30-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 55-модда) илованинг 6, 7, 11 ва 13-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 22 апрелдаги 344-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 5-банди.

